

Xodjayev Sidiq Axmedovich, FarDU adabiyotshunoslik kafedrası dotsenti, filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) ORCID: 0009-0001-7149-2132



ҚАДИМГИ БИТИКЛАР: ТАРИХ, ЛИНГВИСТИКА ВА ТАДҚИҚ

<https://zenodo.org/records/19842768>

Аннотация: мазкур мақолада қадимги майя ёзув тизими ва унинг кашф этилиши тарихи илмий жиҳатдан таҳлил қилинган. Майя ёзуви инсоният тарихидаги энг мураккаб иероглифик тизим сифатида эътироф этилиб, уни ўқиб, дешифровка қилиш учун бир неча аср талаб қилганлиги таъкидланган. XX асрда Эрик Сидней Томпсон бошчилигидаги бир гуруҳ америкалик олимларнинг изланишлари ҳамда рус олими Юрий Кнорозов томонидан майя ёзувининг фонетик тамойилини асослаб беришига алоҳида эътибор қаратилган.

Калит сўз ва иборалар: таҳлил, Эрик Сидней Томпсон, Юрий Кнорозов, қадимги майя ёзуви, иероглифик тизим, фонетик тамойил, дешифровка, силлабик ёзув тизими.

ДРЕВНИЕ ПИСАНИЯ: ИСТОРИЯ, ЛИНГВИСТИКА И ИССЛЕДОВАНИЯ

Аннотация: в данной статье научно анализируются система письменных знаков древних майя и история расшифрования их письменности. Письменность майя признана одной из самых сложных иероглифических систем в истории человечества, и подчёркивается, что её чтение и дешифровка потребовали несколько веков. Особое внимание уделяется исследованиям группы американских учёных под руководством Эрика Сиднея Томпсона в XX веке, а также обоснованию фонетического принципа письменности майя, предложенному русским учёным Юрием Кнорозовым.

Ключевые слова и выражения: анализ, Эрик Сидней Томпсон, Юрий Кнорозов, древняя письменность майя, иероглифическая система, фонетический принцип, дешифровка, силлабическая система письменности.

ANCIENT SCRIPTURES: HISTORY, LINGUISTICS, AND RESEARCH

Abstract: this article provides a scholarly analysis of the system of written signs of the ancient Maya and the history of the decipherment of their writing. Mayawriting is recognized as one of the most complex hieroglyphic systems in the history of humanity, and it is emphasized that is reading and decipherment required several centuries. Special attention is paid to the research conducted by scholars who made a significant contribution to the study and decoding of the Maya writing system.

Keywords and expressions: analysis, Eric Sidney Thompson, Yuri Khorozov, ancient Maya writing, hieroglyphic system, phonetic principle, decipherment, syllabic writing system.

I. Кириш

Инсоният тарихини ўрганар экансиз, табиийки, дастлабки маданият ўчоқлари каерда ва қачон пайдо бўлган деган, саволга дуч келасиз. XX асрларгача евроцентристлар илк давлатлар Фарбда, қадимги Юнонистон ва Римда пайдо бўлган, яъни тамаддун, илм-фан Европада шаклланган деб даъво қилишган. Қадимшуносларнинг сўнгги даврдаги тадқиқотлари эса бу қарашларни рад қилади ва илк маданий давлатлар Шарқда, уч минг йиллар олдин: Месопотамия, Миср, Шумер, Хитой, Ҳиндистонда пайдо бўлганини исботлашди. 1492 йилнинг 12-октябрида Христофор Колумб илк марта Америка қирғоқларига, аниқроғи Кариб денгиздаги Багам оролларида тушган. Бу европаликлар учун оламшумул кашфиёт бўлди.

II. Адабиётлар таҳлили ва методлар.

Баъзи маълумотларга кўра, аслида Колумдан аввалроқ, 1000-йиллар атрофида викинглар Шимолий Америка, аниқроқроғи ҳозирги Канадага етиб келганлар ва бу ерни Винланд деб атаганлар. Лекин Колумбнинг асосий хизмати шунда эдики, кашфиёт билан бирга Европа ва Америка ўртасида доимий алоқани ўрнатгани бўлди. Колумбдан бир мунча муддат кейин, 1499-1512 йилларда италиялик денгизчи Америго Веспуччи ҳозирги Бразилия ва Венесуэла ҳудудларига борган ва Колумб етиб борган ерлар Осиё(Ҳиндистон) эмас, янги қитъа деган хулосага келган. 1507- йилда немис харитачиси Мартин Вильдземюллер қитъага Веспуччи шарафига Америка деб ном берган. Шу ўринда бобокалом юртдошимиз Абу Райҳон Беруний Колумбдан 500 йил олдин ўзининг “Қонун ал-Масъудий” ва “Таҳдид ниҳоят ал-амокин” асарларида Ернинг шарсимон эканини илмий асослаб, уммон ортида ер борлигини илмий мантиқ билан тахмин қилганлигини айтиб ўтиш ўринли.

Ушбу фактларни келтиришдан муддао европаликлар буюк уммоннинг нариги томонида янги, ёввойи ўлкаларни кашф қилдик деб ўйлаган бўлсалар-да, аслида бу қитъада қадимдан давлатлар, империялар, юксак даражага эришган маданият ўчоғлари мавжуд бўлган, шулардан сўнггиси уч ярим минг йиллик тарихга эга бўлган, шаҳар-давлатлар(қадимги юнонларнинг полислари каби) тизимидан иборат Майя давлати европаликлар келгандан кейин сиёсий мустақиллигини йўқотгач, таназзулга учраган. Бу давлат мустақил равишда юксак тараққиёт чўққиларига чиққан тамаддунлардан бири эди. Майялар илм-фанда, ёзувда, меъморчиликда жуда катта натижаларга эришган.

III. Натижа.

Рус лингвисти Юрий Валентинович Кнозоров (1922 - 1999) 1952- йилда узоқ вақтгача сирли деб ҳисобланган, америкалик майяшунос олимлар бу ёзувни ҳеч ким, ҳеч қачон ўқий олмайди деб ўйлаган майя иероглиф ёзувини фонетик принципга ҳам асосланганини исботлаган ва бир қанча матнларни ўқиган ҳамда таржима қилган. Олим Мексика ёки Гватемалага бормасдан, “Дрезден кодекси” нусхалари, XVI асрда яшаган испаниялик руҳоний Диего де Ланда ёзиб қолдирган “алифбо” маълумотларидан фойдаланиб, уларни қайта математик ва мантиқий таҳлил қилган [1, 15-48].

IV. Таҳлил.

Ланда майя белгиларини “алифбо” деб атаган эди, бир неча асрлар давомида олимлар буни хато деб ўйлаганлар. Кнозоров эса бу тўлиқ алифбо эмас, балки бўғинли(силлабик) ёзув тизими, “расмлар ортида товуш бор” деган ғояни илгари сурди ва буни “Письменность индейцев майя” (1952), “Иероглифические рукописи майя” (1963 - 1975) китобларида ва 100 дан ортиқ мақолаларида исботлаб берди. Ушбу ёзув гўзал ва мураккаб кўринишга эга эди. Натижада майя ёзуви ўқиладиган, ҳукмдорлар ва уларнинг исмлари, урушлар, диний маросимлар, саналар, жуда аниқ календарь, пирамидалар маълум бўлди, бутун бир тамаддун “сўзлай” бошлади. Олимга бунга эришиш учун 20 йилга яқин вақт керак бўлди[2, 22-39]. У майя ёзуви шифрини топишда мантикий ва тилшунослик усулидан фойдаланиб, биринчи бўлиб майя белгилари алифбо эмас, бўғинли белгилар бўлса керак, деб тахмин қилган ва белгилар такрорланишини ҳисоблаб, таҳлилга тортиб, улар сўз эмас, товуш бирликлари эканини исботлаган ва ниҳоят логограмма + бўғин белгилари билан бирга ишлатилишини аниқлаган, уларни жадвалга жойлаштирган. 70-80 йилларда дунё олимлари ҳам унинг замонавий лингвистик назариясини исботини топган факт сифатида қабул қилишди. 1990-йилларда қадимги тамаддунларни ўрганишдаги улкан хизматлари учун Мексика ҳукумати Кнозоровга миллий қаҳрамон унвонини берди.

Майялар фикус дарахтининг пўстлоғидан тайёрланган қоғоздан(амате) фойдаланиб, турли минераллар ва ўсимликлардан тайёрланган, намликка чидамли қўлёзма китоблар ёзишган, таассуфки, испанлар истило қилгач, уларнинг деярли барчаси ёқиб юборилган, фақат 4 та асл кодекс сақланиб қолган, булар: Дрезден кодекси, Мадрид кодекси, Париж кодекси ва Гролье кодекси. Ушбу китобларда астрономия, тақвим, диний маросимлар ҳақида жуда қимматли маълумотлар келтирилган[3, 95-140].

Асли британиялик, лекин илмий фаолияти, изланишларининг асосий қисмини АҚШда олиб борган энг таниқли майяшунос, археолог олим Жон Эрик Сидней Томпсон (1898 - 1975) майя ёзуви фақат диний-рамзий ва идеографик деб ҳисоблаган бўлса, рус олими уни фонетик хусусиятга эга эканлигини илмий тадқиқотлар асосида исботлаб берган. Натижада ўз даврининг энг машҳур олими, майя тамаддунини ўрганишга 50 йилга яқин (1920-1970 й.й) вақтини сарфлаган Томпсон, Марказий Америкадаги Гондурас, Мексика, Гветемала, Белиз каби давлатларда кўплаб археологик худудларда ишлаб, стеллалар, ёзувлар ва иероглифлардан нусхалар олган ва каталоглаштирган, майя тақвимларини ўрганган, иероглифларни тизимлаштиришга ўзининг катта ҳиссасини қўшган эди. Айниқса, у майяларнинг ўта мураккаб, яъни Узоқ ҳисоб (Long Count), Цолькин (260 кунлик тақвим), Хааб (365кунлик тақвим) тақвим тизимларини илмий асосда ўрганган [4, 22-39], балки шу сабабдан бўлса керак, илм оламига таниш бўлмаган Кнозоровнинг назариясига тиш-тирноғига қарши чиққандир. Вақтни муқаддас деб билган майялар турли мақсадларни кўзлаган ҳолда алоҳида тақвимлардан фойдаланишган, масалан, Цолькин тақвимида руҳонийлар диний маросимларда, тақдирни башорат қилишда фойдаланишган, Хааб тақвимида фаслларни белгилашда, қишлоқ хўжалигида фойдаланишган бўлса, тарихий ва асторномик Long Count дан эса катта даврларни ҳисоблашда, подшоҳлар ҳукмронлиги

йилларини белгилашда, тарихий саналарни ёзишда фойдаланишган. Бунинг учун бутун умрини шу соҳага бағишлаган бўлса-да, асосий вазифани, яъни майя ёзувини ўқишни, кодини топишни амалга ошира олмаган эди. Томпсоннинг фикрича, Кнозоров ўз назарияси билан унга нисбатан “ноҳақлик қилган, унга тегишли бўлган тайёр кашфиётлардан” фойдалангани учун плагиатлақда айблаган. Қандай бўлганда ҳам “аламзада” олим умрининг охиригача Кнозоровнинг назариясини тан олмади, шогирдларига ҳам буни таъқиқлади[5, 41-76].

V. Хулоса

Майя ёзувининг ўқилиши ва дешифровка қилиниши жаҳон маданиятшунослиги ва тарихшунослигида оламшумул аҳамият касб этди. Айниқса, Юрий Кнорозов томонидан фонетик тамойилнинг асослаб берилиши бурилиш нуктаси бўлди. Унинг иши туфайли майя цивилизациясининг тарихи, маданияти ва дини ҳақидаги билимлар кескин кенгайди, тарихни қайта тиклаш, маданият ва дунёқарашни англаш, илмий тасаввурларни ўзгартириш имконияти пайдо бўлди. Яъни, майя ёзувларини ўқилиши нафақат бир тамаддун тарихи учун, балки бутун инсоният маданий меросини чуқурроқ тушуниш учун ҳам улкан илмий аҳамият касб этди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Кнорозов Ю.В. Письменность индейцев майя. – Москва: Издательство Академии наук, 1963. 334 с.
2. Кнорозов Ю.В. Иероглифические рукописи майя. – Л.: Наука, 1975. – 304 с.
3. Томпсон Э.С. Иероглифическая письменность майя: введение. – В.: Издательство иностранной литературы, 1950. – 349 с.
4. Коэ М.Д. Загадка кода майя. – М.: Центрполиграф, 2001. – 392 с.
5. Ершова Г.Г. Юрий Кнорозов: жизнь и научное наследие. – М.: РГГУ, 2003. – 352 с.